

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 31 (10.336)

2005 ЙИЛ 15 ФЕВРАЛЬ

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунни**
Янгиликлар, воқеалар

**Кўча
санъати**

● **КЕЧА** Бектемир туман марказий кутубхонасида туман маданият бўлими вакиллари, китобхонлар иштирокида "Заҳриддин Муҳаммад Бобур-маърифатпарвар шоир" мавзuida ўтказилган тадбир атоқли шоир таваллудининг 522 йиллигига бағишланди.

● **ЛЕВ** Толстой номидаги кутубхонада Навоий номидаги давлат академик Катта театри режиссёри, шоир Андрей Слоним ижодига бағишланган кеча ўтказилди.

● **ҲИНД** маданият марказида педагоглар иштирокида бўлиб ўтган анжуман мамлакатимизда ёшларга ҳинд тилини ўргатиш маданиятини янада яхшилаш масаласига бағишланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Нафис санъат лицейида мутафаккир шоир, буюк саркарда Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 522 йиллиги муносабати билан уюштирилган тадбирда ўқувчилар ҳамда ўқитувчилар иштирок этишди.

● **МИРЗО** Улугбек туман Ички ишлар бошқармасида уюштирилган давра суҳбати "Усмир ёшлар орасида жиноятчилик ҳолларининг олдини олиш — давр талаби" деб номланди.

● **"БУНЁДҚОР"** ёшлар телеклубида ёшларнинг жамиятда тутган ўрни масаласига бағишланаётган ўтказилган семинарда Миробод туманидаги ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари қатнашди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** 293-мактабда юқори синф ўқувчилари иштирокида ўтказилган "Нима, қачон, қаерда?" мавзuidaги интеллектуал уйин "Маънавий ва маърифат" марказининг Бектемир туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **МИРЗО** Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида талабаларга Муқимий номидаги ўзбек Давлат музыкали драма театри ижодкорлари томонидан тайёрланган "Супер қайнона" спектакли намойиш этилди.

● **МИРЗО** Улугбек туманида фаол аёллар маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий ишлар бўйича маслаҳатчилар ҳамда шифокорлар иштирокида ўтказилган анжуман "Юқумли касалликлар ва уларнинг олдини олиш муаммолари" деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.



"VISO" Ўзбекистон — Австрия қўшма корхонасида тайёрланаётган пойабзаллар кўриниши ва сифати жиҳатидан энг талабчан мижозлар томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда.

СУРАТЛАРДА: қўшма корхона директори ўринбосари Шавкат Хонбобоев ва тикувчи Сарвиноз Қўлдошева янги маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда; линия оператори Комил Қурбонov иш устида.



БЕРЛИНЛИКЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасида Германиянинг "BAKS" хавфсизлик сиёсати бўйича федерал академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ахборот кечаси мамлакатимиз ташқи ва ички сиёсатининг долзарб масалаларига бағишланди.

Унда ГФР президенти ва федерал канцлери маҳкамалари, бундестаг, федерал вазирлик ва идораларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик масалаларига масъул ходимлари иштирок этишди. Тўпланганлар ҳузурда чиқиш қилган Тошкент жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети проректори Б.Хўжаев Президент Ислам Каримов томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида шакллантирилган мамлакатимиз сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақида сўзлаб берди.

Матълумки, мамлакатимиз ўзининг божхона тизимини изчилик билан тақомиллаштириб бормоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси Б.Матлюбов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси ГФР федерал Молия вазирлигининг Божхона ва солиқлар бошқармаси таклифига биноан Германияда бўлиб қайтди.

БОЖХОНАЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Икки мамлакат божхона муассасалари ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш, хусусан, нолегал товарлар, гиёванд ва портловчи моддалар контрабандаси билан кураш соҳасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ушбу ташрифдан кўзланган асосий мақсад бўлди.

Ташриф чоғида божхона ва солиқлар бошқармаси раҳбари Х.Штиер, ГФР божхонага оид жи-

ноятчилик ишлари муассасасининг раиси К.Х.Маттиас билан музокаралар бўлиб ўтди.

— Терроризм билан кураш шароитида бизнинг ҳамкорлигимиз алоҳида аҳамият касб этмоқда, — дейди К.Х.Маттиас. — Ўзбекистон бизнинг Марказий Осиёдаги муҳим шеригимиздир. "Мен 2001 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан танишушимиз катта мамну-

ният билан хотирлайман", дея алоҳида таъкидлайди у.

Шунингдек, Ўзбекистон делегацияси аъзолари ГФР кинология марказида ҳам бўлишиб, мутахассислар ўртасида ўзаро тажриба айирбошлаш ҳамда мамлакатимиз божхона хизматлари учун зотдор итлар келтириш борасидаги келишувларга эришилди.

Баҳриддин АСЛАНОВ,
"Жаҳон" АА мухбири
Берлин.

XXI сағоси
Барча маънавлардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Хорижий инвестицияларни жалб этиш дастури Қашқадарё вилоятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини йилига 243 миллиард сўмгача оширишга имкон беради. Бунда маҳсулотларнинг катта қисми экспорт қилинади. Замонавий технологияларни татбиқ этиш ҳисобига эса минтақанинг 20 мингдан ортқ аҳолисини ишга жойлаштириш кўзда тутилмоқда.

● "Асака" давлат акциядорлик-тижорат банки жойларда 400 дан ортқ терминалларни ўрнатгани ҳолда 44 мингга яқин пластик карточкаларни чиқарди.

● Бухоро шаҳрида Республика Болалар жамғармасининг вилоят бўлими ташаббуси билан Бухоро вилояти мактаблари болалар театрларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танлов голиби Тошкент шаҳрида ўтказиладиган Республика кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

● Андижондаги "Ойим текстил" қўшма корхонаси қошида бўялган матоларни ишлаб чиқариш бўйича фабрика фаолият кўрсата бошлади. Бу ерда йилига 4200 тоннагача трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

● Тошкентдаги Марказий ҳарбий спорт клубида тазқондининг ВТФ йўналиши бўйича қора белбоғ соҳиблари ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақа голиби ва совриндорлари орасида мамлакат терма жамоасига номзодлар саралаб олинди.

Жаҳонда

● Саудия Арабистонида илк бор муниципал сайловлар бўлиб ўтди. Сайловлар дастлаб мамлакат пойтахти Ар-Риёд шаҳрида ўтказилди, икки ой давомида бошқа вилоятларда ҳам бўлиб ўтади ва маҳаллий вакиллик органларига 592 нафар депутат сайланади.

● Рим папаси Иоанн Павел II ларингоспазм хасталигига чалинганлиги сабабли тўққиз кун давомида "Жамелли" касалхонасида даволаниб, яна Ватиканга қайтди.

● Хитойнинг Харбин шаҳрида тўрт нафар талаба интернет тармоғи орқали 64 минг долларни ўзлаштиришда айбланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан тегишли жазога ҳукм қилинди.

● Греция тоғларида корнинг кўчиси оқибатида бешта альпинист ҳаётдан кўз юмди, уч нафари жароҳатланиб, касалхонага ётқизилди.

● Швейцариянинг Лозанна шаҳрида жойлашган "Олимпия" музейида шу йилнинг май ойидан "Миллий спорт — боқий аъна" номли халқаро кўргазма иш бошлайди. Ушбу кўргазмадан ўзбек кураши учун ҳам жой ажратилган.

Иқтисодий

БЕЗАКЛИ
ПАНЖАРАЛАР
ЧИҚАРИЛАДИ

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Рант-сервис» хусусий корхонасига Туркия давлатидан келтириб ўрнатилган махсус линия орқали ишлаб чиқарилаётган эшик ва ромларга турли ранг бериш имконияти яратилди.

Ушбу янги линияда нафақат алюмин ва металлдан тайёрланаётган эшик, ром ва витражларни, балки металл черепицаларни ҳам бўяш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ҳозирда хусусий корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар Туркия ҳамда Европа сертификатларига жавоб берувчи Россия фирмаларидан келтирилиб, рақобатбардошлиги билан ажралиб туради. Буюртмага қараб турли ранг ҳамда ҳажмда, чиройли кўринишда тайёрланаётган корхона маҳсулотлари нафақат пойтахтимиздаги, балки вилоятлардаги бунёд этилаётган ишоотларни ҳам беэмомда. Бунинг учун эса тадбиркорлар бозорни ўрганишмоқда, харидор талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олишмоқда.

Жорий йилни янги дастурхон ишга тушириш, сифати ва бозорбоп маҳсулот турини яратиш билан бошлаган корхона ахли келгусида уларни Қозоғистон давлатига экспорт қилишни ҳам кўзда тутган. Шунингдек, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, харидор талабини ўрганиш ҳамда ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлаш ниятида яқин келгусида металлдан бадийли безакли панжаралар ишлаб чиқаришни режалашмоқда. Хориждан келтириладиган янги линия орқали эса автомобилларнинг олд ойналари тайёрланади.

ЯНГИ
УСКУНАЛАР —
РИВОЖЛАНИШ
ГАРОВИ

«Норуда» акциядорлик жамиятига Қозоғистон давлатидан 250 минг долларга олиб келинган бутловчи қисмлар цехлардаги эски дастгоҳларни модернизация қилишга ишлатилиб, маҳсулот сифатини янада оширишда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Маҳаллий хом ашё — тош ва шағалдан зарур қурилиш ашёлари тайёрлаб, мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишларига муҳим ҳисса қўшаётган ушбу корхона жамоаси пешқадамлар сафидан ўрин олган. Бунга улар самарали меҳнатлари босиб эришмоқдалар.

Ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулотнинг сертификатга эгаллиги буюртмачиларга асосий қафолат бўлмоқда. Буюртмаларнинг ортиб бориши эса ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳам ошишига омил бўлмоқда. Бунинг учун тадбиркор жамоа мутасаддилари маҳсулот сифатини оширишни кўзда тутиб Россиядан 2 та тош майдалаш ускунасини ҳамда Германия ва бошқа хорижий давлатлардан юксак унумли механизмларни келтиришга, уларнинг қувватидан энг сифатли маҳсулот тайёрлаш учун фойдаланишга интилишмоқда.

Шарофат
БАХРОМОВА

— Тоҳир Турғунович, юқорида биз бир неча бор пенсия таъминотининг янги тизими иборасидан фойдаландик. Унинг нечоғлик тўғрисида аниқлик киритиб ўтсангиз, зеро республикамизда «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун ҳам амалда жорий этилган.

— «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун кишиларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга йўналтирилган. Бунда мамлакатимиз фуқаролари пенсия ёшига етган, бирварақайи ҳам давлат томонидан белгиланган пенсияни, ҳам шу йилнинг январь ойидан бошлаб маълум бир муддат ичида йимиб бориладиган пенсияларини олишлари мумкин бўлади.

Изчиллики инобатга олган ҳолда кейинги берилиши қутилаётган саволнинг куйидаги муҳим нуқтасига эътиборингизни жалб этмоқчи эдим. Жамғариб бориладиган пенсия ҳисобига ажратмалар фуқароларнинг олган, олаётган ва кейинчалик ҳам олаётган даромадларига ҳақ қандай таъсир кўрсатмайди. Содда қилиб айтганда, бу ажратмалар ҳисоб-китоб қилинган солиқ миқдори ҳисобидан олинади. Яъни агарда сизнинг ойлик маошингиздан, масалан, 20 фоизга тенг даромад солиғи олинган бўлса, шундан эндиликда 19 фоизи — даромаддан олинган солиқ ҳисобига, бир фоизи — жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисоб вақаларидан жамланади боради.

— Фуқароларнинг ушбу пенсия тизимига мажбурий ва ўз хоҳишига кўра иштироки қай йўсинда белгиланади?

— Қайд этилган Қонунга мувофиқ, жамғариб бориладиган шахсий ҳисоб вақаларига ҳар ойлик мажбурий бадаллар шартнома асосида корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаётган барча фуқароларга тааллуқлидир. Бу борада ишчилар номига шахсий ҳисоб вақаларини очиб вазифаси бевосита хўжалик субъектлари, яъни иш берувчиларга юклатилган.

Ушбу тизимда ихтиёрий иштирок этиш ҳуқуқига хусусий тадбиркорлар, талабалар, кўйинги кексалик ёшигача қўшимча жамғармасини шакллантиришни истган барча фуқаролар эга. Бунда ажратмалар миқдори ҳам ихтиёрий бўлади, яъни пенсия ҳисобини очмоқчи бўлган фуқаронинг ўзига боғлиқдир. Бунинг учун тегишли меъёрий ҳужжатга мувофиқ яшаш жойи бўйича халқ банкнинг туман шохобчасида белгиланган намунадаги анкета-аризани тўлдириш лозим.

— Ушбу тизим ишлаётган пенсионерларга қай равишда тааллуқли?

— Агарда пенсионер шартнома асосида бирон бир корхона ёки ташкилотда ишлаётган бўлса, унинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимигадаги иштироки мажбурийдир. Эслатиб ўтамиз, ишлаётган пенсионерлар давлат пенсияси билан таъминланади ва вақти келиб, вазият тақозоси билан меҳнат фаолиятини тугатиши билан ўз пенсияси миқдорини қўшимча манба — шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобидан ошириш имкониятига эга бўлади.

— Ишлаётган фуқаролар учун пенсияга оид жамғариб бориладиган маблағларни олиш вақти қачон келади?

— Фақат пенсия ёшига етган, яъни давлат пенсиясига эга бўлиш ҳуқуқи вақти бошлангандан сўнг фуқаро бундай пенсияни олиши мумкин бўлади. Дарвоқе, жамғариб бориладиган маблағларни пенсионер бирдангина ҳаммасини ёки — ўз хоҳишига кўра қисман-қисман бўлиб олиши мумкин.

— Ўриндошлик асосида ишлаётган шахсларнинг даромадидан жамғариб бориладиган пенсия ҳисобига ажратмалар қандай тартибда олинади?

— Бу борада ходимнинг асосий иш жойи бўйича иш берувчи томонидан унинг номига пенсия жамғармаси юзасидан шахсий ҳисоб очилу учун идентификация рақами тақдим этилишининг ўзи kifof. Ушбу жараён иш берувчилар томонидан ўриндошларга нисбатан яна қайтарилиши шарт эмас. Бошқача қилиб айтганда, ходимнинг меҳнат дафтарчаси қарерда қайд этилган бўлса, шу ерда уни жамғариб бориладиган пенсия ҳисобига олиш бўйича барча ишлар амалга

Бугуннинг гапи

оширилади.

Бугунги кунда республикамиз бўйича меҳнат билан банд бўлган фуқароларни мувофиқлаштирувчи ягона ахборот негизи ташкил этилди. Демак, ўриндошлик бўйича ишлаётган шахслардан олинаётган даромад солигининг тегишли миқдори автоматик равишда уларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб вақаларига киритиб борилади.

— Маълумки, ўриндошлардан ташқари, аниқ бир маротабадан иш учун, масалан, чоп этилган китоб ёки мақолага қалам ҳақи кўринишида даромад оладиган тоифадаги кишилар ҳам бор. Уларга нисбатан, яъни иш берувчи билан вақтинча шартнома тузган фуқароларга бухгалтерия томонидан жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб вақаларини очилиши лозими?

— Бундай ҳолатда ҳам ўриндошлик асосида ишлаётганларга тааллуқли бўлган қондалар қўлланилади. Гонорар-қалам ҳақи ҳам маълум бир миқдордаги солиққа тортилади, бу дегани уни олаётган киши номига алоҳида пенсияга оид бошқа ҳисоб вақаларига очилиши зарур эмас. Бухгалтерия

ЖАМҒАРИБ
БОРИЛАДИГАН
ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ

Яқинда қабул қилинган «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатининг, давлатимизнинг кишиларнинг кексалик чоғида ишончли, қафолатланган моддий фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган доимий гамжўрлигининг ёрқин ифодасидир. Ушбу Қонун 2005 йилнинг 1 январидан кучга кирди ва айна пайтда унинг татбиқ этилиши юзасидан тегишли ташкилий-тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Қонун ихросини таъминлаш вазифаси бир қатор тузилмаларга юклатилган, шу жумладан меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва солиқ хизматлари, жойлардаги ҳокимликлар ўз зиммаларидаги чора-тадбирларнинг жорий этишига киришдилар.

Фуқароларни шахсий ҳисобга олиш ҳамда уларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимига йўналтираётган тўловлари бўйича барча маълумотлар мужассам этилажак яқиний манзил этиб ҳозирча ягона тармоқлари кенг ривожланган (уч мингдан зиёд шохобчалари фаолият юритмоқда) молиявий тузилма ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Халқ банки тайинланган.

Пенсия маблағларини жамғариб бориш тизими биз учун янгилик ва шубҳасиз, бу борада унинг изоҳталлаб томонлари ҳали ҳали. Шу боисдан ҳам бу борада тушунтириш ишлари фақат мутахасссларнинг фикрига таянган ҳолда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Жорий этилган ушбу янги тизим юзасидан ҳамшаҳарларимизни қизиқтираётган айрим саволларни шарҳлаб беришни Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банкнинг Тошкент шаҳар филиали бошлиғи Тоҳир ИСЛОМОВдан илтимос қилдик.

агарда унинг шундай ҳужжати мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотга эга бўлса, тегишли равишда унинг даромад солиғи миқдоридан бир фоизини пенсия жамғармаси ҳисобига ўтказиб бераверади. Шу ўринда қимматли қозғолар, аниқроғи акциялар эгаларига эслатиб ўтиш ҳам лозимдир. Дивидендлар ҳисобидан ушлаб қолинган солиқ миқдорининг бир фоизи ҳам фуқаронинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобига ўтказилади.

— Кўпчилик газетхонлар жамғариб бориладиган пенсия ҳисобига ажратмалар миқдорини кўпайтириш мумкинми деган савол билан мурожаат этмоқда...

— Аксарият ҳолларда бундай саволни ишлаётган фуқаролар бериши мумкин. Бунинг учун улар иш берувчининг номига мажбурий бадаллардан ташқари, қўшимча ва ихтиёрий равишда бирдангина ёки ҳар ойда белгиланган ажратмаларнинг аниқ миқдорини кўрсатган ҳолда ариза ёзишлар шарт. Лекин бу борада бир муҳим нарсага эътиборингизни қаратамиз: бухгалтерия томонидан ушбу чегирмалар фуқароларнинг ҳисобланган даромад солиғидан эмас, балки қўлига олаётган тўла ойлик маошдан босиб қолинади.

— Инсон ҳаётда ҳар хил вазиятларга тушиши мумкин, шу жумладан маълум бир вақт ичида ишлаб қўбилишни йўқотиши ҳоллари ҳам учраб туради. Бу борада жамғариб бориладиган пенсияга оид маблағларни олдиндан олишининг иложи борми?

— Агарда бу ҳолат фуқаронинг доимий, яъни ногиронлиги босиб меҳнатга лаёқатсизлиги билан боғлиқ бўлса, давлат нафа-

қасига қўшимча равишда ўзининг шахсий ҳисобидан пенсия жамғармасидаги маблағларни олиши мумкин. Бокувчисини йўқотган шахслар ҳам шундай ҳуқуққа эгадир.

Агарда бирон бир шахс ишлаб қўбилиш вақтинча йўқотган бўлса, бундай вазиятларда пенсия жамғармасини фақат пенсия ёшига еттунгача қадар олиши мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими иштирокчиси тўсатдан вафот этгани тақдирда унинг махсус жамғарма ҳисобидagi маблағлари — агарда унинг номига нотариал равишда тегишли ҳужжат расмийлаштирилган бўлса, вазият қилинган шахсга, акс ҳолда амалдаги қонунчиликка асосан — унинг меросхўрларига берилади.

Маълум бир сабаб билан Ўзбекистон фуқароси бошқа давлатга доимий яшашга чиқиб кетиши қутилаётган бўлса, унинг жамғариб бориладиган пенсия маблағлари тўлиқ равишда ҳисоб-китоб қилиб берилади.

— Фуқаро мамлакат доирасида яшаш жойини ўзгартирган ҳолларда ёки унинг паспорти шартли равишда алмаштирилиши лозим бўлса, қандай иш тутиш керак?

— Фуқаронинг яшаш ёки иш жойи ўзгартирилса, бундай вазиятларда у янги жойлашган иш жойи бўйича иш берувчига жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб вақаларига мажбурий равишда ҳақида маълум қилиши керак бўлади. Шундан сўнг унинг номига ишлаётган манзилга жойлашган халқ банкнинг шохобчасида ҳисоб очилади, барча маблағлари эса ягона тизимга жамланади борилаверади. Пенсия ҳисоб вақаларига бўлмаган тақдирда иш берувчи ушбу ходимни янги иш жойи бўйича ҳисобга қўяди. Паспорт алмаштиришга келсак, бундай вазиятларда идентификацион рақамни алмаштиришнинг эҳтиёжи йўқ. У битта ва доимий бўлиб қолади.

— Шубҳасиз, ушбу тизим асосида жамғариб бориладиган маблағлар уларнинг талаб этилажак вақтига қадар «қотириб» қўйилмайди ва бирон-бир мақсадли ишларга сарфланиши турган гап, албатта. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган ушбу маблағларига қўшимча бадаллар тўлашиши имконияти борми?

— Ҳақиқатан ҳам, фуқароларнинг шахсий пенсия ҳисобларида тўпланган маблағлари кредит кўринишида ишончли иқтисодий тузилмаларга инвестиция сифатида киритилади. Инфляция даражаси ҳисобга олинган ҳолда уларга фозиз

даромадлари таъминланади. Шунинг ҳам айтиш керакки, фуқароларнинг пенсия ҳисобларидаги маблағлари айланмасидан олинган даромадларнинг фақат маълум бир қисми маъzur пенсия тизимини жорий этиш жараёнидаги техник масалаларни ҳал этишга сарфланади. Асосий миқдори эса янги пенсия тизими иштирокчиларнинг жамғариб бориладиган маблағлари устига қўшимча равишда тақсимланади. Дарвоқе, бу ҳақда барча маълумотларни фуқаролар яшаш жойи бўйича халқ банки шохобчаларига мурожаат этган тарзда олишлари мумкин. Ўз навбатида, тегишли маълумотлар ҳар йилнинг якуни бўйича уларнинг жамғариб бориладиган пенсия китобчаларига банк томонидан киритилиши шарт.

— Ушбу тизим аниқ бир давлат тажрибаси асосида ишлаб чиқилдими ёки айнан бизнинг мамлакатимизда биринчи бор татбиқ этилмоқдими?

— «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун қабул қилинишидан аввал қатор давлатларнинг пенсия таъминоти доир тизими ўрганилди, бу борада асосий эътибор ривожланган давлатлар, шунингдек МДХ давлатлари тажрибасига қаратилди.

Мамлакатимизда амалдаги давлат пенсия таъминоти тизими қаторида жорий этилаётган жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими фуқароларимизнинг моддий даромадларига ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди ва бу борадаги муҳим ва долзарб ижтимоий масалани ҳал этилишида энг мақбул, қолаверса, энг инсонпарвар йўл деб биламан.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА
сўхбатлашди.

Маълум

ФАЛСАФАДАН ДАРСЛИК

Инсоният сиёсий-ижтимоий ҳаётида фалсафа фанининг тутган ўрни катта, албатта. Республика-миз олий ўқув юртлири учун махсус яратилган "Фалсафа асослари" дарслигининг юзага келиши бу билимларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Файласуфлар жаамияти саъй-ҳаракати билан босмага тайёрланган бу ўқув адабиёти қайта ишланиб, тўлдирилган ҳолда китобхонларга тақдим этилди.

Таниқли олимлар гуруҳи муаллифлигида яратилган бу дарслик мамлакатимизда илк бор чоп этилиши билан ҳам эътиборни ўзига тортади. Уни босмага тайёрлашда жаҳон фалсафа фани ютуқларига таянган ҳолда иш кўрилди. Айни вақтда маҳаллий шариот инobatга олинди. Мустақиллик йилларида фалсафа билимлари бўйича амалга оширилган янгиликлар ҳам дарсликдан ўрин олди. Буни нашрга киритилган "Ўзбекистон ҳамда янги-ланган фалсафий билимлар муаммолари" боби мисолида кўриш мумкин.

САХНА ПАРДОЗИ

"Сахна пардози" деб номланган ўқув қўлланмаси китобхонларга тақдим этилди. Пардоз (грим) санъатнинг сахна асарларини постановка қилишда тутган ўрнига бағишланган мазкур ўқув адабиёти истеъдодли мутахассис Маҳкам Исмоиловнинг кўп йиллик изланиши натижасида рўёбга чиқди.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан чоп этилган мазкур қўлланма пардозона ва анжомлар, пардоз орқали юзни ўзгартириш, ясама соч-парик ва соқол, мўйлов устида ишлаш каби жараёнлари кенг ёритиб берилди. Янги ўқув адабиёти орқали режиссёр ва пардозчининг ижодий ҳамкорлигини ўзига экс-этиривчи ўқув, илмий ва амалий масалалар билан яқиндан танишиш мумкин.

ИСПАН ТИЛИГА КИЗИҚИШ

Республикамизда чет тилларни ўрганишга бўлган қизиқиш кучаймоқда. Ўқув юртлирида испан тили ҳам ўқув дастурларидан ўрин ола бошлади.

Буни инobatга олиб, Республика таълим маркази испан тили бўйича 5-9-синфлар учун дастурни тайёрлади. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети мутахассислари билан ҳамкорликда испан тилидан дарслик ва ўқув қўлланмасини яратишга киришилди.

Бунда мазкур университетда испан тилидан талабаларга берилётган билимларни ўқитиш услубиёти борасида орттирилган ютуқлар ҳам қўл келади.

Акбар АЛИЕВ

Ўғров — тежамкорликда гаров

ҚУЛАЙ ВА МУСТАҲКАМ ҲИСОБЛАГИЧЛАР

Тежамкорликда гап кўп. Айниқса, қимматбаҳо бойликларимиз — кундалик турмушимизда, ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этувчи сув, газ, электр энергияси ва бошқа ресурсларнинг исрофгарчилигининг олдини олишда, уларнинг қадрини ит-стеъмолчиларга яна бир бор аниқлашда ўлчов ускуналарининг аҳамияти катта эканлигини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Буни, албатта тажриба исботламоқда. Ҳисоблагичлар асосида сарфига яраша ҳақ тўланган эса истеъмолчилар ҳам унинг афзалликларига, оила бюджетига фойдаси катта эканлигига амин бўлишмоқда. Яна бир аҳамиятлиси эса ана шундай ўлчаш ускуналарининг сифатли ва рақобатбардош турлари ўзимизда ҳам ишлаб чиқарилаётганидир. Бу истеъмолчилар учун ҳар томонлама қулай ва ишончлидир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июнда «Турар жой фондларини сув ва газ ҳисоблагичлар билан жиҳозлаш ва уларни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори чиққан бўлиб, унинг

цехлари Германиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланди. Шунинг баробарида иш бошладан аввал кадрлар масаласига жиддий ёндошилиб, улар Германияда назарий ва амалий тайёргарликдан ўтишди. Буларнинг барчаси сифатли ва ишончли совуқ ҳамда иссиқ сув ўлчагичлари ишлаб чиқариш имкониятини бермоқда ва энг муҳими, тайёрланаётган маҳсулот сертификатланган. Корхона муваффақиятларини таъминловчи асосий омил ҳам шу — ўлчагичлар сифати, қаттиқ метрологик назорат ва буюртманиннг ўз вақтида ҳамда аниқ талаблар даражасида бажарилаётганидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ўтган йилдан бошлаб корхонада ҳисоблагичларни ишлаб чиқариш баробарида, уларни жойларга чиқиб ўрнатишга ҳам катта эътибор қаратилди. Бунинг учун эса малакали кадрлардан иборат махсус бригадалар ташкил этилиб, қўшимча ишчи ўринлари яратилди. Бу ю м у ш н и н г аҳамиятли томони шундаки,



ижросини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Ўлчаш ускуналарини пойтахтимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган «TOSHKENT-ZENNER» Ўзбекистон-Германия Люксембург кўшма корхонаси ҳам фикримиз далилидир.

Таъсисчилари Германиянинг машҳур «ZENNER» фирмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги Инвестициялар бош бошқармаси бўлган ушбу кўшма корхона йилга 100 минг дона сув ўлчагичлар тайёрлаш қувватига эга бўлиб, уларнинг турлари буюртмага қараб ва буюртмачи талабидан келиб чиқиб кўпайиб бормоқда. Албатта, «ZENNER» фирмаси жаҳон миқёсида эътироф этилган бўлиб, 100 йиллик тажрибага эга ҳамда ҳозирда дунёнинг 40 га яқин давлатида филиаллари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу фирма ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини 70 дан зиёд мамлакатларга экспорт қилади. Энг муҳими, унинг маҳсулотлари жаҳон андозалари даражасига тўла жавоб беради.

Сифатли маҳсулот тайёрлашда замонавий дастпоҳларнинг ўрни ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда корхона

ҳисоб-китоб аниқ бўлиши ҳисоблагичнинг тўғри ишлашига боғлиқ. Унинг тўғри ёки нотўғри ишлашида эса маълум жиҳатдан ўрнатиш катта аҳамият касб этади. Албатта, ишлаб чиқараётган маҳсулотининг кафолатли бўлишини ҳамма хоҳлайди. Корхона мутахассислари истеъмолчиларга қулайлик яратишни кўзда тутиб ўрнатиш ишларини ҳам шартнома асосида олиб боришмоқда. Асосий мақсад эса ҳисоблагични фақат ўрнатиб қўя қолиш эмас, балки ишлашини назорат қилиш, тежамкорликдаги фойдасини кўриш, исрофгарчилигининг олдини олишдир. Шунингдек, ҳисоблагичларни корхона пайванччилари ўрнатишганда ортиқча оворагарчиликлар ҳам бўлмайдди, ўрнатишдан вақтдан ишлаб бошлайди. Ўтган йилда 72 минг дона иссиқ ва совуқ сув ўлчагичлари ишлаб чиқарилган бўлса, шулардан 38 мингтаси корхона пайванчи бригадалари томонидан ҳонадонларга ўрнатиб берилди.

Бугунги кунда корхона иссиқ ва совуқ сув ўлчагичларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришда «Сувсоз» трести унитар корхонаси, «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳам-



корликни йўлга қўйган. Шунингдек, улар келгусида шаҳримиздаги поликлиника, шифохона, мактаб ва болалар муассасаларига ҳам иссиқлик қуввати ва иссиқ сув ҳисоблагичлар ўрнатишни зиммаларига олишмоқда.

Корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида ҳам фаол иш юритиб, маҳсулот тайёрлаш учун керакли бутловчи қисмларнинг 40 фоизга яқинини ўзимизда тайёрлашни ўзлаштиришмоқда. Бунинг учун маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари билан шартномалар тузилган. Масалан, «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятида сув ва иссиқлик ўлчагичлар учун корпус тайёрланади. Албатта, бундай шартномалар келгусида бутловчи қисмларнинг кўпроқ фозини ўзимизда тайёрлаш имкониятини яратди. Бунинг учун илманишлар давом этмоқда. Шунинг баробарида айрим бутловчи қисмлар экспортга ҳам чиқарилмоқда.

Корхона тadbиркорлари Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори ижросини таъминлаш йўлида меҳнат қилиб мамлакатимизда олиб борилаётган коммунал хизмат соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда муҳим ҳисса қўшишмоқда. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулот сифати, ишлаб чиқариш ҳажми, кўрсатилган хизматлар ҳамда ҳисоблагичлар турларининг ортиб бориши бунинг яққол исботидир.

Корхонада жорий йилда 100 минг дона ҳисоблагичлар тайёрлаш кўзда тутилган. Бу қимматбаҳо бойликларимиз тежамкорлигида катта аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Ахир сарфига яраша ҳақ тўлаш бутуннинг талаби-да. Шу боис ҳам корхонада ҳаммиша «Аниқ ўлчов — сизнинг маблағингиз иқтисодига гаров» шиорига эътибор қаратилди. Чиндан ҳам ҳисоблагичнинг тежамкорликда беқиёс ўрни бор.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: метролог Николай Фролов сикдидилдан меҳнат қилади; «Тежамкорликда маҳсулотларимизнинг ўрни катта», — дейди йиғувчи Ольга Вахтамова.
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Ўзбекистон Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказида Польша Республикаси кредит лойиҳасига оид шартнома имзоланди.

ЯНГИ ЛОЙИҲА ИМКОНИАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази раҳбари Ж.Хусанов давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури нафақат юр-

тимизда, балки хорижда ҳам таълимни ислох этишнинг илғор модели сифатида эътироф этилаётганини таъкидлади.

Дастурни муваффақиятли амалга оширишда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Польша

Республикаси ҳукуматининг имтиёзли кредити асосидаги «Касб-хунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси бунга мисол бўла олади. Унинг умумий қиймати 15 миллион АҚШ долларига тенг. Лойиҳа мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва

сақлаш, озиқ-овқат саноати, умумий овқатланиш ва енгил саноатга ихтисослашган 66 та касб-хунар коллежини қамраб олади. Ушбу соҳаларда замон талаблари даражасидаги мутахассислар тайёрлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш, билим даргоҳларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш, янги дарсликлар яратиш лойиҳанинг таркибий қисмидир.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Маълумки, Тошкент Ўрта Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бўлиб, унинг тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Бугунги кунда шаҳримиз хусни ва файз қўшиб турган архитектура ёдгорликлари ўтмиш давр меъморлари қурган гўзал биноларнинг асрлар оша сақланиб келаётганини нишонларидир. Шаҳримизда ҳар биримиз учун қимматли ва азиз воқеалардан дарак берувчи мемориал ёдгорликлар мавжуд. Бугунги кунда уларга бўлган эътибор қай даражада?...
Муқаддас обидалар

МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАР — БЕБАҲО МЕРОСИМИЗ

— Дарҳақиқат ўлкамизда тарихий ва маданий ёдгорликлар, аждодларимизнинг юксак заковати, ақлу идрокки билан барпо этилган обидалар сон-саноксиз, — дейди биз билан суҳбатда халқаро «Олтин мерос» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Абдулазиз Муҳаммадқаримов. — Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкент



ҳатто айримларида давлат арбоблари етишиб чиққан. Баъзи мадрасаларда, жумладан Муҳаммадқарим мадрасасида мусиқашунослик, миниатюрчилик, мусиқа асбоблари ясаш, наққошлик, ҳаттотлик каби санъат соҳалари ўргатилган. Умуман Ўрта Осиё мадрасаларида ислом дини қонун-қоидалари, шариат ақидалари, мантиқ, фалсафа, айримларида кимё, география, тиббиёт, фалакиёт каби илмлар ўргатилган. Мадрасалар хон, амалдор, бадавлат ва зиёли кишиларнинг ташаббуси билан қурилган бўлиб, уша шахслар номи ёки мадраса жойлашган маҳалла гузар номи билан юритилган. Бешёғоч даҳаси ёдгорликларидан энг каттаси ҳисобланган Абулқосим мадрасаси шаҳримизнинг ўрта асрлар охиридаги ўтмиш меъморий гўзаллик латофатини ўзида намоён этган. Абулқосим мадрасаси 70 йил давомида илм ўчоғи бўлиб хизмат қилди. Мана 20 йилдан буён ўзининг учинчи умрида миллий қадриятларимизни тиклашда хизмат қилиб келмоқда. Бу ерда Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг саяъ-ҳаракати билан таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Эндилда қадимий илм ва маърифат маскани халқимизнинг амалий санъати асарларини тиклаш ва ривожлантириш учун олийгоҳ вазифасини ўтамоқда. Ҳозирги миллий ўз-ўзини англаш жараёни халқимизнинг ўтмиш маданий меросини чуқур ўрганиш, улаштиришни тақозо этади. Мутафаккирларнинг айтишича, халқ қалбиданнинг туридан жой олган анъаналар яхшилик, адолат, эътиқод, ҳалоллик, бахт ва эзгулик каби қадриятларга етаклайди. Зеро, бизнинг мақсадимиз фақат ёдгорлик деворларининггина сақлаб қолиш эмас, балки унинг ортида ётган халқимизнинг гўзал анъаналарини ривожлантиришдан иборат. Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: Кўкалдош (XVI аср) мадрасаси.

Халқимизда «Она юртинг—олтин бешигинг» деган нақл беҳиз айтилмаган. Ўзбекистон бизнинг она-Ватанимиз. Пойтахтимиз Тошкент бизнинг олтин бешигимиз, фахр-ифтихоримиздир. Йилдан йилга чирой очиб, фаровонлашиб бораётган, тинчлик ва оқсоқиллик ҳукм сурган шаҳримизга ҳозирги кунда кўпчилигининг ҳаваси ва хайрати ошмоқда. Пойтахт жамолига чет мамлакатлардан келаётган меҳмонлар ҳам мафтун бўлаётгани сир эмас. Нафақат шаҳримиз чиройи, балки халқимизнинг меҳр-оқибатли, саховатли, бағри кенг, меҳнаткаш, кунгли очик, меҳмондўст эканлиги тасаннолар айтишмоқда. Ҳа, мана шундай озодлик кўеши нур сочган Ватанимизга, шаҳримизга, тинч-фаровон ҳаётигимизга, меҳр-оқибатли ҳамюртларимизга ҳеч қачон кўз тегмасин. Шундай инсонлар бор, баъзида хизмат сафари билан 3-4 кунга, баъзида оила, йиллаб чет мамлакатларга боришлари тўғри келади. Ана шундай сафарда бўлиб қайтган кишилар ёки бўлмаса, бугунги кунда тил ўрганиб, чет мамлакатларда таҳсил олиб

қайтган ёшларимизнинг сафар таассуротлари қўлқоп тутсангиз, албатта она юрт соғинчи бир зум бўлсин уларни тарқ этмаганини, халқимиз нақадар бебаҳо фазилатларга эга эканлигига, она шаҳримиз, қалби дарах кишиларимиз берлигини фахрланиб сўзлашадилар. Сир эмас, ҳозирги кунда тирриқчилик мақсадида чет мамлакатларга ишга кетган кишилар кўплаб учрамоқда. Уларнинг ахволи, турмуш тарзи қандай кечаётгани билан қизиқиб қўрсангиз, ойига катта пул топаётганмиш дейишди. Уша одам шу пулларни осонлик билан топаётган бўлмаса керак. Нима иш билан машғул, қандай одамлар орасида яшаётгани ўзига маълум. Қозоқларда шундай мақол бор «Ўз уйинг-ўлан тўшагинг». Ҳақиқатан ҳам ўз юртингда, ўз

оиланг, ота-онанг, ақинларинг, фарзандларинг бағрида яшашга нима етсин. Ҳаёт шу азиз инсонлар бағрида яшаш билан гўзал ва мазунли-ку. Халқимизда «Ўзга юртда мусофир бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл» деган мақол беҳиз айтилмаган.

Яқинда бир танишим Америкада хизмат сарфариди бўлиб қайтди. У билан суҳбатлашиб, таассуротларини эшитишга қизиқдим. «Биласизми, ҳар бир инсон албатта чет мамлакатларга боришни орау қилади. Мен хизмат сафари билан Америкада бўлиб қайтдим. Бир hafta ўтмай ўз она шаҳримиз Тошкентни, ақинларимни соғина бошладим. Улар кўз ўнгимдан сира кетмасди. Албатта у ерда бизни яхши кутиб олишди. Илик муносабатда бўлишди. Шаҳарни томоша қилиб айландик, макташга арзиғулик томонлари кўп жуда. Лекин, барбиринг ўз Ватанимиз, она шаҳримиз Тошкент нақадар бебаҳо эканлигини хис этдим. Биз она шаҳримиз билан фахрлансак арзийди. Ишонасизми, ўша ерда бир ҳамюртимизни кўриб, у билан узоқ суҳбатлашиб қолдим.

Иккимиз ҳам она шаҳримиз, меҳрибон одамларимиз ҳақида аслашдик. Кўларимизда соғинч ёшлари пайдо бўлди. Ҳа, бу юрт соғинчи эди. Дарҳақиқат, кўпгина ўзга юртларга ошиқайтган кишиларни кўриб, эшитиб ажабланасан киши. «Хар ерни қилма орау, хар ерда бор тошу торозу», деган гап бор. Ахир ўзга юртда бегоналар ичида яшаш осонми? Ўз уйингда, ўз она юртингда, қадрдонларнинг бағрида ҳалол меҳнат қилиб, эркин ҳаёт гаштини суриб яшашга нима етсин. Нима бўлганда ҳам бизга ризку насибамизни берган, тинчлик деб аталмиш улғунейматни ато этган она-Ватанимизни унутмаслигимиз зарур. Унинг бағрида бир умр яйраб-қувнаб яшашимиз қандай бахт. Шу она-Ватан, шаҳримиз бизнинг онамиз. Она ҳамма учун муқаддас, энг улғу ва азиздир. Шу боис она юртимизни муқаддас билайлик, унинг қадрига етайлик. Ватан туйғуси қалбимизни ҳеч қачон тарқ этмасин. Гулнора ҲАМИДОВА

Диндаги ғамлар
ОНА ЮРТИНГ — ОЛТИН БЕШИГИНГ
Дунёда ҳар қайси миллатнинг ўзи тугилиб ўсган, киндик қони тўкилган қадрдон гўшаси, она-Ватани, маҳалласи, оиласи, ўзига яқин азиз инсонлари бўлади, албатта. У уша қадрдонлари бағрида, даврасида эмин-эркин ўсиб-ўлғаяди, камолга етади.

ШАҲРИМ — ФАҲРИМ



Телемнорараги кириш залида ташкил қилинган мазкур музейда, дунёнинг улғу миноралар асоциациясига кирган минораларнинг макетлари чиройли ойнаванд ромлар ичига жойлаштирилган. — Музейимизга ташриф буюрган ҳар бир кишининг юзидан ли ҳолдир, — дейди «Коинот» ресторани директори Мавжуда

ДУНЁДА ЯГОНА МУЗЕЙ

Шаҳримиз узра сайр қилар эканмиз қалбимиз фахр ва ифтихор туйғуларига тўлади. Чунки кўркам ва мафтункор бинолар, ойдин ва нурафшон кўчалар, осмонўпар миноралар атрофга ўзгача фусун ва тароват бахш этади. Шундай азим шаҳарда соғу саломаат яшаётганимизга, бекиёс гузалликдан беминнат болаётганимизга, га шукроналар айтгинг келади. Пойтахтимизда шундай масканлар борки, улар билан фахрланмай яшай олмайсиз. Сизга таърифламоқчи бўлганимиз, бу Ўрта Осиёдаги энг юксак минора, Тошкент телемнораси қошида ташкил топган музей ҳақидадир.

ажабланиш ва майин табассуми кўриш биз учун албатта қувонч-Алимова. — Чунки телемнорамизнинг ўзи бир олам саргузаштга бой бўлса, музейимизнинг фаройиблиги янада сеҳрли ва сирлидир. Чет мамлакатларнинг телемнораларига боргандай бўлди киши. Хар бир келган меҳмонни очик юз билан қарши олиб, иззат-икром билан кузатиш бизнинг асосий бурчимиз ҳисобланади. Узининг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш ва нишонлаш борасида телемнорарада анчагина ишлар қилинмоқда. «Тошкент телемнораси 1985-2005» деб ёзилган ёзувлар туширилган сумкалар ва қисқача маълумотлар билан тўлдирилган буклетлар ҳам тайёрланди. Мазкур музейни янада бойитиш ва тўлдириб бора-санда ҳам анчагина режалар кўзда тутилган. Шунини мамнуният билан айтиш кераки, бу йил Ўрта Осиёда ягона ҳисобланмиш 375 метрли Тошкент телемнорасининг 20 йиллиги нишонланди. Шу муносабат билан телемнорара ҳақида газетамизнинг кейинги сонларида батафсил маълумот берамиз. Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТДА: Тошкент телемнораси қошида ташкил топган музейдан лавҳа. Тохир Нигматуллин олган сурат.

БОЗОР АТРОФИДА ҲАМ ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛСА...

Ҳаётимизни бозорсиз тасаввур қила олмаемиз. «Отанг бозор, онанг бозор» деганларидек, бирор нима харид қилмоқчи бўлсак кўп ҳолларда бозорга отланамиз. Ҳозирда ҳалқимизга Ўрикзор даҳасидаги «Карвон» бозори кўпроқ манзур бўлиб келмоқда. Балки бу ерда сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечакларнинг сифатлиги ва арзонлиги бунга сабабдир. Қолаверса, бозордаги қулайликлар ҳар қандай нозик дилли харидор талабига ҳам жавоб бера олади. Шу билан бирга ушбу бозорга шаҳримизнинг ҳар бир бурчагидан транспорт қатнови жуда яхши йўлга қўйилган. Аммо... Ютуқ бор жойда баъзан камчиликлар ҳам учраб турар экан. Яъни, бозорга ташриф буюрган ҳар бир одам унга кириб боришдан олдин бир мунча машаққатларни енгиб ўтмоғи керак. Гарчанд ўз жонини хавф остига қўйиб бўлса ҳам. Тўғрида, «Жон чекмасанг, жонона қайда»... Юқорида айтиб ўтилганидек, бу ерга жуда кўп транспорт воситалари қатнайди. Автобуслар бозорнинг қаршида, яъни Ҳалқа йўлининг нариги бетида тўхтади ва харидорлар йўлни кесиб ўтишлари керак бўлади. Айни шу дақиқада кўринг томошани. Харид учун шошилиб, елдек учиб келаётган автоуловга ҳам қарамай бозор тарафга «отилаётган» одамлару асабийлашгандан бор аламини машина сигналдан олаётган ҳайдовчилар... Харид учун югурган харидорлар бозор айланиб турарисину, биз эса сотиб олган маҳсулотларини кўтарганча ўз автобусларини кузётган одамларга назар солсак. Ана шуларга жуда қийин-да, чунки булар учун на автобус тўхтайдиган махсус бекатлар бор, на бир кичкинагина ўриндиқ, Турли йўналишларга қатновчи «Мерседес-бенц» русумдаги автобуслар кетма-кет келиб қолса борми, ҳайдовчилар бир-бирлари билан жой талашиб «қир пичоқ» бўладилар. Йўлнинг торлигидан катта кўчага чиқиб олган одамлар ҳам уларнинг «ширин» сўзларидан бебаҳра қолмайдилар. Энг ачинарлиси шундаки, бу ердаги йўлчироқлар бир кун ёниқ бўлса, уч кун «дам олади». Шундай вақтларда Ҳалқа йўли автомобиль кўрғазмаси бўлаётган майдон кўринишига эга бўлиб қолади. Биз бу сўзларимиз билан кимларгадир ақл ўргатмоқчи ёки кимларнидир танқид қилмоқчи эмас. Фақатгина, шаҳримизнинг кўркига айланиб бораётган «Карвон» бозорининг ичидагина эмас, балки унинг атрофида ҳам аҳоли учун қулайликлар яратилса, нур устига аъло нур бўлар эди. Яна шунини чин дилдан истардикки, ютуқларимиз камчиликларсиз бўлсин. Наргиза ХАЛИЛОВА, талаба

Сўранг, жавоб берамиз

ОҚАР СУВЛАР, БОҒРОҒЛАР МАКОНИ

Ҳурматли таҳририят! Мен қадимда шаҳримизда мавжуд бўлган оқар сувлар, ҳамда боғ-роғлар тарихи ҳақида билишга қизикман. Шулар ҳақида қисқача маълумот берамиз.

Ш.Мақсудова, талаба.

Тошкентда қадимда Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳарларга нисбатан оқар сувлар сероб бўлган. Шаҳарда 50 дан ортқ йирик сой ва каналлар бўлиб, улар сон-саноксиз майда ариқларга бўлинган. Шаҳар сув тармоқларининг номлари қадимий Эрон ҳукмдорларидан тортиб, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» қаҳрамонларини ҳам эслатиб туради. Жумладан, Бўзсув канали «Шоҳномада»ги Барзуи деган деҳқон номи билан, Бўзсув тар-

Шарқ дурдоналари

ОЗ ОЗ УТГАНИ
ДОМО БУЛАР...

● Агар киши эҳтиром ва эътибор гавхарини қидирувчилардан бўлса, гавхар каби яширин бўлсин, токи уни изловчилар орзу гаввоси билан қўлга киритсинлар. Агар аксинча эътибор тамғасини нафс итинг буйнидан олиб, гадолар каби қўлни очиб, ўткинчиларга таъма кўзи билан боқадиган бўлса, тегиримондек саргардон айланиб қорин тўйдириш пайида бўлса, яхшиси обрў тилашни бир чеккага йиғиштириб, тиланчилик қилгани маъкул.

● Йигитни балоғат ёшига етиши билан уйлантириб қўймоқ зарур. Шунда у зино қилиш пайига тушмайди, одамларнинг номусли қиз-жувонларига ёмон назар билан қарамайди.

● ХИКМАТ. Энг яхши хотин шундай хотинки, у хаёли ва ориятли бўлади. Энг муҳими оилада тўкин-сочинлик ва бараканинг сабабчиси бўлади.

● Бир киши олдинга келиб, бировни ғийбат қилса, уни рост айтаяпти деб уйлама. Балки уни бу феълдан қайтар. Узинг ҳам бундай сўз ва феълдан ҳазар қил!

● ХИКМАТ. Сукрот ҳақим айтади:

— Олам адолат билан пурдор, зулм билан эса хору зор! Байт:

Зулм асосига

курулган бино

Ғазаб оташидан

вайрон бўлажак!

● Ошқор айтилган таъна кўнгилда яширилган гинадан яхши.

● Пулу молга бўлган ташналик сувга бўлган ташналикдан кўра даҳшатлироқ.

● Жавобга шошилган киши хатога йўл қўяди.

● Болалар ўз оталаридан мерос қилиб оладиган уч афзал нарса бор: хушмуомалалик, одоб ва садокат.

● ХИКМАТ. Инсон гўзаллигининг асоси унинг чиройли хулқидир.

Чиройли хулқ билан

инсон инсондир.

Четдан боксанг шакли

ҳаммаси бир хил.

Рангу ҳиди билан

фарқи билинар.

Ёшлиқда бир хил

бўлган «гулу гил»!

● Бир ҳақимдан: «Хушхулқ киши қандай киши?» деб сўрадилар. Ҳақим: «Ҳеч нарсасдан ранжидиладиган киши!» деб жавоб берди. Ёмон хулқли киши ҳақида сўраганларидега эса: «Ёмонлик билан яхшилик ўртасидаги фарқни билмайдиган киши!» — деб жавоб берди.

● Меҳмонга борганинда уй эгасидан сув ёки тузгина сўраб олишинг мумкин. Булардан бошқа нарсаларни сўраб олиб ёиш беодоблик ҳисобланади.

● Бир меҳмон: «Меҳмон учун мезбоннинг тўқлигидан кўра зарарлироқ нарса йўқ», деб ҳазиллашган эди.

Чунки меҳмоннинг олдига овқат олиб келинса-ю мезбон овқат еб, тўйиб олган бўлса меҳмон бемалол еялмаслиги мумкин.

● Меҳмонда улар одамлар ўтирган бўлса овқатга улардан олдин қўл узатма, овқат олиб чиқиладиган томонга қарай-верма.

Хозирги бош муҳарриримиз Акмал Ақромовнинг қизиқ одати бор. Агар у кимнинг қўлида буклаб, гижимланган газетани кўрса дарҳол унга танбех беради.

— Биродар, нонни эъзозлаб қадрлайсиза? — Ундан ҳа деган жавобни олгач давом этади. — Қўлингиздаги газета ҳам журналистларнинг нони. Шу орқали улар оила тебратилади, нон топишади. Шундай экан, унинг қадрига етинг.

Бордию бу ҳол «Тошкент оқшоми» ёки «Вечерний Ташкент» газеталари ходимлари томонидан содир этилса у ким бўлишидан қатъи назар эшитадиганини эшитади. Танбехнинг охири:

— Нонтепкилик қилманг, — деган сўзлар билан яқунланади.

Биз таҳририят аъзолари унинг бу феълни яхши билганимиздан газетанинг янги сонларидан тортиб, ҳатто унинг эски тахламлиригача авайлаб-асраймиш.

Яқинда таҳририятимизга кекса бир киши кириб келди.

— Менга Ҷийрак бобо керак эдилар, — деб сўради.

— Келинг отахон, хизмат? — сўрадик биз.

— Бизга хизмат кўрсатадиган почта бўлимининг ишидан шикоят қилиб келдим.

— Қани эшитайликчи?
— Газетангизнинг ашаддий мухлисман. Тагин менинг бу сўзимни лаган-бардорликча бурманг. «Тошкент оқшоми» чиққан кундан бошлаб ҳар йили унга обуна бўламан. Ундаги мақолаларни ўқиб бўлгач, газетанинг ҳамма сонларини тахлаб, йиғиб қўяман. Агар ишонмасангиз уйимга боринг. «Оқшом»нинг биринчи сонидан бошлаб, куни кеча босмадан чиқанигача тахлам бўлиб турибди.

Шу денг кейинги вақтларда почта ходимлари ишидан норозиман. Баъзи кунлари газетани кеч олиб келишади, баъзида эса бутунлай келтиришмайди.

Биз бу мухлисмининг қистови билан ўша почта бўлимига бордик. Унинг бошлиқ ва хизматчилари билан сўхбатлашдик. Улар айбларига иқдор бўлишди. Хизматни намунали йўлга қўйиб, оқсоқолнинг талабини қондиришди. Шунинг учун почта бўлимининг манзилини тилга олмай қўя қолдик.

Зуқко газетхон албатта гап тагида нимқоса ҳам борлигини ҳис қилиб турибди. Шундай бўлсада, яна бир бор такрорлашмизга тўғри келади. Қўлингиздаги газета қанча-қанча кишиларнинг қизгин меҳнатидан дунёга келган. Уни сизга ўз вақтида етказиб бериш учун қанча одамлар тунни тонгга улаб ишлаган. Шундай экан, уларнинг меҳнатини қадрланг, ўқиб бўлгач, уни бўлақлаб истаган жойга улқотириб кетаверманг.

«Оқшом» газеталарининг тарихини ёзиш жараёнида биз ҳам албатта газета тахламлиридан фойдаландик. «Оқшом»нинг ўтмиш тарихига назар ташлаб, йиллар давомида сарғайиб кетган саҳифаларни бирма-бир варақлашмизга тўғри келди. Шунда тахламлалар орасида кимларнингдир томонидан ўзбошимчалик билан йиртиб, кесиб олинган саҳифа ва мақолаларга кўзимиз тушиб қаттиқ ранжидик. Ким билсин, ўша саҳифадаги мақолаларда балки сиз азизларга етказишимиз лозим бўлган қайсидир материаллар бормиди? Мана шунисига ачиндик. Ўша дилимизда армон бўлиб қолган кемтик жойни тўлдириш учун, «Оқшом» газеталари таҳририятида ишлаган кекса журналистларга мурожаат қилишимизга тўғри келди. Шундайлардан бири Абдугани Абдуллаев эди. Бу заҳматқаш журналистнинг суяги «Оқшом»да қотган десак ишонаверинг. У узоқ йиллар давомида таҳририятда масъул котиб ўринбосари, сўнг масъул котиб бўлиб ишлади. Абдугани ака ўша йилларни шундай эслади.

— «Тошкент оқшоми» газетаси саҳифаларини варақлаган киши кўз олдиндан бундан 39 йил олдин пойтахтда рўй берган воқеалар бирма-бир ўтади. Шу жihatдан газетани Тошкентимизнинг жонли солномаси деса бўлади. «Оқшом» газеталарининг бахти шундаки, унга йиллар бўйи ўз касбининг усталари, тажрибали журналистлардан беш киши муҳаррирлик қилишди. Уларни номма-ном санашнинг ҳожати йўқ. Муштарийлар уларнинг кимлигини яхши билади.

Халқимизда «Елғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас деган ибора бор. Газетанинг хар томонлама

ўқимишли чиқишида дастлабки йилларда таҳририятда қалам тебратган Ўткир Хошимов, Борис Пармузин, Максим Каримов, Марва Жалолодинова, Светлана Замостянова, Ғиёс Комилов, Зоя Лелявская, Михаил Савельев, Нўрмон Раҳимжонов, Абдулла Пўлатов, Насриддин Мухаммадиев каби ёзувчи ва шоирлар, истеъдодли журналистларнинг хизматлари катта бўлди.

Эсимда, газета саҳифаларида берса ҳам, бермаса ҳам бўладиган материалларни биринчи бош муҳарриримиз Саъдулла Кароматов «Юринг, кетайлик» деган ибора билан атарди. Шундай мақолаларнинг биринчи бети унинг хонасидан қизил қаламда белгиланган сўроқ аломати билан чиқарди. Сўроқ аломати шу қадар катта бўлардики, унинг тагидаги нуктаси оригиналга сиймағи қоларди. Шунда биз бир-биримизга: «Нуктаси бош муҳаррир хонасида қолиб кетибди-да», деб кулишардик.

Айниқса, таҳририятнинг адабиёт ва санъат бўлимига ёзувчи Ўткир Хошимов мудири бўлиб келганидан кейин бу йўна-

робга микроскоп билан қарагандек жамият орасидаги маразларни сатира микроскоптиш керак», деб бизга тайинларди.

«Сароб», «Кўшчинон чироқлари», «Синчалар», «Ўтмишдан эртақлар» адабиётимиз хазинасида олтин фонд бўлиб қолди. Юзлаб ҳикоялари халқимизни яшашга, меҳнатга қорлаб турибди. Саҳнамизда яшаётган қувнок комедиялари хар оқшом томошабинлар хечрасига табассум бахш этиб турибди. Том-том китоблар китобхонинг содиқ йўлдоши — дўсти бўлиб қолди.

Абдулла Қаҳҳорнинг чироғи сўнди. Аммо у минглаб ўқувчиларнинг қалбига ҳаёт чирогини ёқиб кетди. Бу чироқ унинг китоблари, ўқувчилари, дўстлари, шогирдлари...

Чиндан ҳам шу кезлари «Оқшом» газеталари воқеа ва ҳодисаларни ховури кўтарилмай пешма-пеш ёритиши, ўқувчилар дилидаги мавзуларни топиб ёзиши билан муштарийлар меҳрини қозонди. Унинг муаллифларининг сони ортиб борди. Адабиётимизнинг даргалари Зулфия, Ойбек, Миртемир, Мамарасул Бобоев, Мирмуҳсин, Пўлат Мўмин ва бошқалар «Оқшом» саҳифаларида тез-тез кўринадиган бўлиб қолишди.

Газетада чоп этилган материаллар орасида ўша вақтда унча-унча одам айтишга журъат эса олмайди-ган ўткир сўзли мақолалар ҳам чиқиб қолардики, уларни ўқиб таҳририят ходимларининг матонати ва диллигига тан бермасликнинг иложи йўқ эди.

Мана кичик бир мисол. «Жонажон пойтахтимизнинг кундан кунга хуснига хусн қўшилиб, унда янги-янги кварталлар, аҳоли яшайдиган гўзал, шинам уйлар бунёд этиляпти. Хозир янги кварталларга исми-жисмига монанд номлар бериш, шинам уйлар шаклида мазмуни асрлар оша маънодор бўлиб туришига эътибор бериладиган пайт. Токи фарзандларимиз келажақда биз берган номларни фахрлини айтиб юрсинлар.

Афсуски шахримизнинг хуснига чипқондек бўлиб, айтишга тил бормайдиган кўча номлари ҳам оз эмас.

Огородная, Хатинская, Қизилтут, Оҳақчи, Грамплантинка кўчалари, Високвольный массиви ва ҳоказо номлар шахримизга ҳеч ярашмайди. Улар турмуш маданиятимизнинг ифодаси эмас. Агар шу ном ўрнига бир қанча ишлаб турган илмий-текиширэн институтларини ҳисобга олиб, математика фанининг отаси — Ал Хоразмий ёки Беруний номи берилса аjoyиб бўлардику? Ахир қаҳрамонга жулдур тўн кийгизмайдиларку. Наҳотки бой тилимиз, маданиятимиз дурдоналаридан, шахримиз уй-ҳой кварталларига муносиб ном топилмасга?»

Бугунги газетхонга жўнгина туюлган бу сўзларни ўша вақтда, ҳамма нашрлар ҳам чоп этавермасди, айтавермасди. Айниқса, газетанинг «Элга хизмат — олий ҳиммат», «Шаҳримизнинг бир куни», «Куч-қудратимиз — дўстликда» каби саҳифалари муштарийлар орасида кенг шухрат қозонганди.

«Оқшом» газеталари ходимларининг аҳил ва иноқлиги ҳақида Эльвира Адайкина шундай хикоя қилади:

— Биз оқшомчилар аҳил жамоа эдик. Ҳеч ким бизни бир-биримиздан ажрата олмасди. Ҳамкасбим «Ахборот қироли» (у шундай ном олганди) Абдулла Пўлатовнинг менга меҳри бўлақча эди. Сабаби, иккаламиз бир бўлимда бўлганимиз учун шу куннинг воқеаларини ёритиш мақсадида ҳамма бир юраддик.

— Элла, мен сени, — дерди-да гапини давом эттирмай, индамай менга қараб жилмайиб кулиб тураверарди.

— Севаман, деявермайсанми, — дердим унга жавобан хахалаб. Кейин иккаламиз бараварига қотиб-қотиб кулардик.

Булар албатта, ҳазил. Ўтмишдан қолган хотиралар. Аслида бизнинг иккаламиз ҳам оилали эдик. Бир-биримизга меҳримиз бўлақча, ака-сингилдек эдик ҳолос. Мана шундай ҳурмат-эътибор, соғлом муҳит бизни янада унумлироқ ишлашга ундарди.

Қиссадан ҳисса шуки, йиллар давомида муштарийлар хонадонини илм-кабъат нарри билан қароғон қилиб келатган «Оқшом» бундан кейин ҳам ёрқин нур сочаверади.

Саммуд КОМИЛЖОНОВ

Ҷишар садоиси

«ОҚШОМ»НИНГ
ЎТГАН КУНЛАРИ

УЧИНЧИ ҲИКОЯ

лишда яна янгидан янги саҳифалар пайдо бўла бошлади. «Ўлмас сиймолар» ва «Адабий меросимиздан» рунклари остида Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Мухаммад Юсуф, Чокар Хоразмий, Сидқий Хондайлиқийларнинг ижоди билан боғлиқ бўлган саҳифалар шулар жумласидандир. Хусусан, улардан бири Абдулла Қаҳҳорга бағишланган саҳифа ёзувчининг вафотидан кейин қисқа муддат, яъни икки ҳафта ичида тайёрланди. Унда машҳур ёзувчининг ҳали чоп этиб улгурмаган «Мухаббат» қиссасидан парча ва Абдулла Қаҳҳорнинг ўз қўли билан ушлаган сўнги китоби — «Ешлар билан сўхбат» тўпламидан бир боб ҳамда унинг шогирдлари томонидан битилган дил сўзлари эълон қилинганди. Ўша йиллар садоиси билан сизларни яқиндан таништириш мақсадида уларнинг энг эътиборлиси бўлган ёзувчи Саид Аҳмаднинг «Тасалли» деган мақоласидан баъзи жумаларни келтиришни лозим топдик.

«Устод» Абдулла Қаҳҳор тўғрисида гап айтмоқчиман. Бураб қўйган соати чиқиллаб турибди, термосдаги чойи ҳали совибабди. Қирқ йил даррлашган давотида сиёҳ тўла. Гуё у бир нафасга ташқарига чиқиб кетгану, ҳозир кириб келади-гандек.

Афсус у қайтиб келмайдиган бўлиб абадий кетган эди. Ўлди, деган гапга қўнқмаган дилдан қандоқ қилиб гап топаман. Менинг назаримда у асло ўлмайдиган, бир умр ўлмайдиган одам эди. Бу аjoyиб зот менинг 35 йиллик ҳамроҳим, муаллимим эди.

У жимжит яшарди. Дабдабаларни севмасди. Юртнинг қувончидан ўзга қувончи билмасди. Юрт хизматидан ўзга хизматни билмасди. Ҳозир ёзув столида етим қолган қалами билан қирқ йил шу юртга, шу она юртга хизмат қилди. У жуда чиройли куларди. Жуда маъноли куларди.

Мен марҳум Абдулла Қаҳҳор тўғрисида эмас, тирик, ҳамиша тирик, ҳамиша кулиб турган Абдулла Қаҳҳор тўғрисида гапирмоқчиман.

Ҳисси, ҳаяжонсиз ёзилган асар ўқувчи кўнглидан ўзига жой тополмайди. Адабий асар ёзувчи кўнглидан, қалбидан қўшқидек отилиб чиққандагина ўқувчи қалбидидаги торларни тимдалайди, уни ҳаяжонга солади, йиғлатади, қулдиради. Абдулла ака бизга ҳамма ана шундай таълим берарди. Ўзи худди шундай қиларди. Ёлгон адабиётни ўлдирарди, дерди. Ўзи асло ёлгон гапни ёзмасди.

Унинг қайси бир ҳикоясини, қайси бир қиссасини ўқиманг, фақат соф ҳаёт лавҳасини кўрасиз. У сўзни заргардек ишларди. Шунинг учун ҳам у ёган асарлардан бирон вергулни олиб ташлаб бўлмасди.

Адабиёт касб эмас, хунар бўлиши керак деб бизга ўқитарди.

Абдулла Қаҳҳор сатираси аёвсиз, оловли сатира эди. «Касаллик тарқатувчи мик-

Сир-сироятларга

Йўна олам

ТАБИАТДАН ТАРБИЯТ

Дунёда энг кучли ким? саволига одатда, одам деб жавоб берамиз. Инсонни кучли деганимизда, аввало, унинг ақл-заковатини кўзда тутамиз. Айни шу онги туфайли инсон шу қадар зўр қудратга эгаки, табиатда ҳеч бир жонот у билан рақобатлаша олмайди.

Модомики, инсон табиатда мутлак ҳоким экан, энди у табиат билан ҳисоблашмас ҳам бўлади, деб ўйлаш нотўғри, албатта. Аввало шуни айтиш керакки, инсон табиат билан минг йиллардан бери рўпарам-рўпарам мулоқотда бўлган. Табиий офатлар билан мардонвор курашиш, меҳнат қилишни табиатдан муттасил ўрганиш, улуғ бобомиз Алишер Навоий табири билан айтганда ундан тарбия олиш туфайли инсон азиз, мукарам ва қудратли бўлди.

Ҳозирги инсон табиатнинг ажралмас бир қисми бўла туриб, унинг сир-асрорларини ўрганиб, ўзининг қудалик ҳаётида қўлашга уринмоқда. Бу борда бионика фани унга кўмак бермоқда. Бионика сўзининг асосини икки сўз — биология билан электроника ташкил қилади. Тирик мавжудотларга хос нозик сирларни ўрганиб, уларни инсон хизматида бўйсундириш ишини бионика фани ўргатади. Бионика аслида кибернетиканинг бир соҳасидир. Маълумки, олимлар тирик организмларнинг минг йиллар давомида касб этган мўъжизавий хусусиятларини машиналарга кўчириш йўлларини изладилар ва ақли машиналарни, автоматларни ихтиро қилишди. Булар ўз навбатида кибернетика фанининг вужудга келиши учун замин ҳозирлади.

Бионика дурагай фанлардан ҳисобланади, бунинг маъносини шуки, биологлар, физиклар, турли ихтисосдаги муҳандисларнинг ижодий изланишларини ўзида бирлаштиради.

Зилзила ва вулкон отилиши башариятни азалдан ташвишлантириб келаётган табиий офатлардир. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар йили ер юзиде 300 минг марта ер силкиниши содир бўлиб, шундан тахминан 20 таси вайронгарчилик келтиради. Бунда ўрта ҳисобда 10-16 минг киши зилзила қурбони бўлади. Баъзи бир жониворлар фалокатни олдиндан сезар экан. Лекин, қандай қилиб? Ҳаттоқ олдин, инсон қулоғи илгарамайдиган товушларни эшитар, балки биз сезмайдиган ер силкинишларини улар сезар? Агар бионик омилар ҳайвонларнинг ана шу сезги механизмларини ошқор этиб, шунақа аппаратлар ярата олганларида эди, инсониятга бундан қанчалик наф етишини сўз билан ифодалаш қийин.

Узоқ Индонезиянинг Ява оролидаги тоғларнинг ён бағрида Наврўзгулнинг нозик бир тури ўсади. У худди биздаги момақаймоқ ёки бўтақўза ўхшайди. Бошқа гулларга ўхшаб у ҳам маълум бир вақтда очилади. Лекин тўсатдан барвақт очилиб қолиши ҳам мумкин. Ер ости гумбурлашларига ўрганиб қолган аҳоли бу гулнинг очилишини вулкон отилишидан дарак берувчи аломат деб билади. Ҳа, вулконнинг ҳаракатга келишидан бир неча соат олдин бу гул дафъатан очилади. Ҳозир олимлар бу антиқа ҳодисанинг сабабини ўрганишмоқда.

ЯХЁ ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.



— Кўйлагим хо кўйлагим, кийсам келар ўйнагим...

Анжуманлар

БОЛАЛАР САЛОМАТИГИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда Сихат -саломатлик йилига бағишланган тадбирлар режа асосида жойларда хайрли мақсадларни кўзлаган ҳолда ўтказилмоқда. Шунингдек, «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш барча соҳа вакилларининг вазифаларига айланди.

Бугунги кунда халқимиз саломатлигига муҳим эътибор қаратилмоқда. Турли касалликлар, айниқса аҳоли ўртасида камқонлик ва йод танқислигининг олдини олиш долзарб муаммолардан саналади. Осиё тараққиёт банки лойиҳаси асосида «Саломатлик — соғлиқ гарови» ширси остида Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими томонидан мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари учун 461-мактабгача таълим муассасасида «Мактабгача ёшдаги болаларда камқонлик ва йод танқислиги касаллигининг олдини олишда мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва тиббиёт хо-

димларининг роли» мавзуйда семинар ўтказилди.

Мазкур анжуманда мактабгача ёшдаги болаларда камқонлик ва йод танқислигининг келиб чиқиш сабаблари, илк белгилари ва унинг олдини олишда мактабгача таълим муассасаси раҳбарлари, педиатрлар, болалар ва ўсмирлар гигиенаси шифокорлари ва тиббиёт ходимларининг роли ҳақида ахборот берилди. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларининг таълим масаласини темир ва дармондорилар билан бойитилган ун ва нон маҳсулотлари, йодланган туз билан таъминлашнинг туманлар бўйича дастури

ишлаб чиқиш лозимлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу ишларни яқин кунларда Шайхонтоҳур туманида амалга ошириш режалаштирилди.

Анжуманда 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти Болалар ва ўсмирлар гигиенаси кафедраси мудири Гули Шайхова сўзга чиқиб, болалар ўзининг ақлий имкониятларини рўёбга чиқара олиши, шунингдек ҳомиланинг тўғри ривожланиши, ҳомилдорлик ва туғиш жараёнининг асратсиз кечиши, боланинг ақлий ва жисмоний ривожланишдан орқада қолмаслиги, она ва боланинг юқумли касалликларга чалинмаслиги учун йодланган ош тузи, темир ва дармондорилар билан бойитилган ун маҳсулотларини мунтазам истеъмол қилиш зарурлигини уқтириб ўтди.

Семинарда мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, санитария-эпидемиология назорати маркази вакиллари ҳамда 55-оилавий поликлиника шифокорлари иштирок этдилар.

ДИЛОРТ ДИЛОРТОВА

Тадбирлар

ШЕЪР ВА ШУУР

Ғазал мулканинг султони Алишер Навоий ва оташнафас шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди шахримизнинг барча гўшаларида кенг нишонланмоқда.

Жумладан Шайхонтоҳур туманидаги Йўлдош Охунбобоев номли 45-мактабда «Шеър ва шуур» деб номланган бадиий кеча бўлиб ўтди.

Мазкур кечада юқори синф ўқувчилари ўзларининг бор ижодий маҳоратларини намойиш қилдилар. Улар Алишер Навоий ғазалларидан парча ўқиш билан бирга, унинг ёзган достонларидан саҳна кўрунишларини ижро этдилар.

Шунингдек, 7-синф ўқувчилари Ҳилола Турғунбоева, Диёра Қаюмова, Музаффар Ахба-

ров, Заҳириддин Муҳаммад Бобур рубойиларидан ифодали ўқидилар:

- Ким ёр анга илм толиби
илм керак
- Ўргангали илм толиби
илм керак.
- Мен толиби илм толиби
илм йўқ,
- Мен бормен илм толиби
илм керак.

Дилтортар куй, дилрабо қўшиқ ва дилбар рақслар кечанинг янада файзли ва мазмунли ўтишини таъминлади.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ

Бугун ой Эгизаклар буржида бўлади. Юлдузлар иш қобилиятининг ошишига ишора қилади ва ҳамма нарса меҳнатсеварлигини боғлиқ бўлади. Бугунги кун уйланиш, харидлар қилиш, курсандчилик, дам олиш учун қўлай. Фаол ҳаракатлар ва ишларнинг ўрни эмас. Кўтаринки кайфиятда бўлиш, ўз ташвишларингизга ўраллашиб қолмай, болаларингизга, уй қўшуларига вақт ажратсангиз — бир олам қувончга эга бўласиз. Бирон-бир буюм ёки рўзгор ашёсини таъмирлаш ва созлашнинг бошқа вақтга қолдирсангиз маъкул бўлади. Кечкурун нарсаларингизни йўқотиш, кескин ва қутилмаган вазиятларнинг вужудга келиши эҳтимоли кучаяди. Бинобарин, хушёр бўлинг. Айни шу сабаб туфайли ичкиликдан ҳам ўзингизни тортинг.

Мунажжам башорати

ҲАММАСИ МЕҲНАТСЕВАРЛИГИНГИЗГА БОҒЛИҚ

16 февраль, чоршанба

Кўрадингиз тушларингиз эътиборга арзимади, яъни улар ўнгидан келиши қийин. Фақат жонивор билан боғлиқ тушларингиз башоратли бўлиши мумкин.

Мабодо, шу кунни сизга бирон ҳайвон ташланса ёки сиз бирор ҳалокатнинг шохиди бўлсангиз, булар нохуш аломатлар ҳисобланади. Шу йўл билан сиз хатоликлар ёки омадсизликлардан хабар топасиз.

Нафас йўллари ва асаб тизми-

мига шу кунни эътиборли бўлиш талаб этилади. Хоналарни шамоллатишни унутманг. Жаҳлга эрк берманг. Ҳаммом ёки саунага боришга вақт ажрата олсангиз жуда ажойиб иш бўлади. Зеро, бу сизнинг саломатлигингиз учун гоёт фойдалани. Асабийликдан халос бўлиш учун кун давомида ҳеч бўлмаса бир мартагина ўзингизни бутунлай эркин тутишга ҳаракат қилинг.

Либослар танлашда бугун яшил ранглар устувор бўлиши-

га эришсангиз яхши бўлади. Кизил, қора, бинафшаранг кийимлардан нарироқ бўлганингиз маъқул. Ола-була ва ёрқин ранглар ҳам бугунги кунга мос келмайди.

Бугун: — одатий муҳитни ўзгартириш, туристик саёҳатларга йўл олиш, янги турар жойга кўчиб ўтиш;

— куч ва имкониятларни тўғри тақсимлаш;

— хайрихоҳликни моёён этиш, адолат билан иш қўришга интилиш;

— янги танишлар, дўстлар орттириш тавсия этилади.

Саломатлигингизга, айниқса, жигарингиз фаолиятига бепишанд бўлманг, махсус касб тайёргарлигини талаб қиладиган иш билан шуғулланишга уринманг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Ҳўрлик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» республика бирлашмаси

Тошкент *Эгамбердиев* *номидаги*
Тошкент Давлат цирки

2005 йил 18 мартдан

Диққат! Диққат!

КУТИЛМАГАН ВО-КЕА
Тошкент Давлат циркида
П А Р И Ж - Т О Ш - К Е Н Т — И С П А Н И Я
транзит йўли асосида жаҳонда ягона РЕВЮ МУЗ ШОУ-СИНИ
18 мартдан бошлаб томоша қилишга

шошилиг
Цирк кассаларида хозирча чипталар бор.
Жума, шанба, якшанбада
Биз Сизларни ўз Шоумизда кутамиз
Келганингиздан афсусланмайси!!!
Томошаларга жума бўлиб келиш учун

буюртмалар қабул қилинмоқда.
Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўлашни мумкин.
Касса эрталабки соат 9.00 дан очил.
Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

Спорт
ДЕНГИЗ
УЧКУРАШЧИЛАРИ
БЕЛЛАШДИ

Денгиз учкураши энг омма-боп, шуғулланиш ўнғай бўлган техник-амалий спорт турлари қаторига киради. Денгиз кўпкурашчиси Ватан ҳимоячиси учун зарур бўлган кўплаб жисмоний жиҳатларга эга бўлиши лозим. Спортчи жисмоний ва техник томондан яхши тайёрланган бўлиши, жумладан яхши югуриши, тўппончадан отиши ва сузиши керак бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, денгиз учкураши спорт тури сифатида чақирик ёшдаги ўсмирларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қуларига хизматга тайёрлаш борасида энг муҳим вазибалардан бирини бахаради.

Ана шундай хайрли мақсадларни қўзғалган ҳолда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда денгиз учкурашини янада ривожлантириш ҳамда спортчилар маҳоратини ошириш борасида фаол ишларни амалга оширмакда.

Жумладан, Бухоро шаҳрида денгиз учкураши бўйича уюштирилган Ўзбекистон чемпионати ва биринчилиги мусобақалари ҳам қизиқарли ҳамда кескин курашларга бой тарзда ўтди.

Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамда мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Бухоро вилоят Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган мусобақаларда 18 нафар катта ва 32 нафар ўсмир ёшдаги спортчилар жами 8 та вилоятдан келган тўққиз жамоа таркибида галаба учун кураш олиб боришди.

Спортчилар 200-400 метрга эркин усулда сузиши, тўппончадан нишонга отиши ҳам 800-1500 метрга югуришди. Шундай қилиб, очколар сарҳисоб қилинганда 16-18 ёшдаги ўсмирлар ўртасида шахримиз вакили Александр Литвиновга тенг келадиганлар топилмади. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса Самарқанд шаҳри денгиз учкурашчилари Сергей Коланев ва Темур Шариповларга насиб этди.

19 ёшдан юқори бўлган катталар баҳси янада кескин ва қизиқарли кечди. Бунда ўсмирлар баҳсининг акси кузатилди. Яъни ҳурмат шохсуланининг энг юқори поғонасидан самарқандлик Андрей Шарипов ўрин олган бўлса, ҳамшаҳарларимиз — спорт усталлигига номзодлар Андрей Никифоров ҳамда Павел Растрингилар кумул ва бронза нишонлари соҳиблари бўлишди.

Умумжамоа ҳисобига 10798 очко жамғарган самарқандлик денгиз учкурашчилари биринчи, пойтахтимиз вакиллари эса 9153 очко билан иккинчи ўринларни банд этишди.

Ғолиб ва совриндорлар нишонлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз муҳбиримиз)

Тошкент шаҳар ҳокимияти Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси маъмурияти шаҳар тез ёрдам хизмати бошврачи Саиддазим Саидмагруппов Агзам-ходжаевга отаси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Самдмагрупп
АГЗАМХОДЖАЕВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

— Ота-онани тарбия берсин дейсиз-ми? Ота-онанинг ўзида тарбия бўлмас-чи? Биз ёшлигимизда оиламиз даврасида кино кўраётган бўлсак, беибороқ лавҳалар кўрсатилганда ота-онанимиз, телевизорни ўчириб кўярдилар ёки ўзимиз астагина хондан чиқиб кетардик. Хозирги «замонавий» оилалар эса сериал бошланиши дегунча ота-она, уларнинг ёнида фарзандлар қаторлашиб, бемалол шундай фильмларни томоша қилишди. Менимча, фильмлар билан бир қаторда айрим ота-оналар тарбияси ҳам «замонавийлашган».

Бу сўзларни эшитиб, беихтиёр уйга толдим. Ҳақиқатан ҳам, «ойнаи жаҳон» орқали намойиш қилинаётган хорижий сериаллар шу қадар кўпайиб кетяптики, уларга беихтиёр назар ташламастиким сира илоҳи йўқ. Аммо, бу сериалларнинг ҳаммаси ҳам асрлар давомида сайқалланиб келган ўзбекона маданиятимизга тўғри келади, деб бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, сериаллар «замонавий эртақ»ка ўхшайди. Бу эртақлар эса кўпчилик юртдошларимизнинг оилавий эрмигага айлиниб улгурган. Аммо ачинарлиси шундаки, ўша «севимли эртақ»ларимизни катта ёшдаги кишилар, балоғатга етган ёшлар билан бир қаторда ёш болалар ҳам зўр қизиқиш билан томоша қилишди. Бундан бир неча йиллар олдин суратта олинган фильмларга эътибор берсангиз, фильм бошланишидан олдин «ун олти ёшга тўлмаганларнинг кўришлари мумкин эмас» деган мазмундаги ёзув бўлар эди. Хозир-чи? Хозирги сериаллар «хаммабон» шекилли, бошланиши олдиндан юқоридаги сўзларга кўзимиз тушмайди. Ўзбекона одоб-ахлоқ мезонларидан бегона бўлган баъзи сериаллари эса етти ёшдан етмиш ёшгача кўплаб юртдошларимиз севиб томоша қилишди.

Бола руҳи — бегубор олам. Унинг онги ҳаётдаги ҳар бир нарсани борлигича қабул

қилади. Бола сериалларни кўрганида эса ундаги воқеаларни ҳақиқий ҳаёт деб билади.

Ҳўш, 10-15 йилдан кейин-чи? Энди ўша «ёш болалар» ўша фильмлардаги ўзбекона одоб-ахлоқ меъёрларига тўғри келмайдиган муносабатларга ўз ҳаётларида ҳам табиий ҳол деб қарай бошлашади. Қисқа қилиб айтганда, ўша сериаллар таъсирида

Мушоҳада

ТЕЛЕСЕРИАЛЛАР
АХЛОҚ
МЕЪЁРЛАРИМИЗГА
ТЎҒРИ КЕЛАДИМИ?

Кўчада кетаётиб, беихтиёр ўрта ёшлардаги кишиларнинг сўхати кулоғимга чалиниб қолди: «Бизнинг ёшлигимиз бошқача бўлган экан-а, Бекпўлат. Қиз болага кўпроқ термулиб қолишга ҳам уялардик. Хозирги ёшларнинг ҳаёти хорижий сериалларга ўхшаб кетяпти. «Бу дейман, ота-оналари яхши тарбия бермаган, шекилли», — дея гап бошлади бошқаларига нисбатан ёшроқ кўринишдаги бир киши. Бошқа бири давом эттирди:

ёш болалар онгида ҳаётга нисбатан енгил-елпи қарашлар, тор доирадаги дунёқараш шакллана боради. Сериаллар тарбиясида вояга етган бола эса катталар замон билан боғлайдиган «ахлоқи йўқ, уятсиз» бўлиб шаклланмайдиларми?

Аслида тарбияда замон бўлмайди. Замонлар ўтиши билан тарбияга янгича ёндошиш, янгича руҳ кириши мумкин, лекин асрлар давомида шаклланган ўзбекининг ўзигагина хос бўлган одоб-ахлоқ тушунчалари моҳия-

тан яғоналигича қолаверади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Пўлат Носировнинг тарбия ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик:

— Фирқимча, тарбияда замон йўқ. Чунки, ҳар қандай ота-она ўз ота-онасидан олган тарбияси асосида фарзандига тарбия беради. Шу зайдда ота-боболар орқали тарбия ҳам наслдан-наслга ўта бошлайди. Демак, шуни унутмаслигимиз керакки, биз фарзандимизга бераётган тарбия орқали кейинги авлодларимизга ҳам қисман тарбия берган бўламиз. Яна шуни айтмоқчиманки, ҳамма сериалларни ҳам ёмонлик қилиб бўлмайди. Масалан, мен Жанубий Корея фильмлари актёрларининг маҳоратларига тан берган ҳолда, уларни севиб томоша қиламан.

Тўғри, тор маънодаги ғоялар асосида яратилган ҳар қандай санъат асарининг умри қисқа бўлади. Аммо ўша қисқа умри давомида қанчадан-қанча бегубор онглари заҳарлаши мумкин. Бу билан сериаллар кўрмоқни тўла маънода қораламоқ фирқидан йироқми. Биринчидан, хорижий фильмларнинг «ойнаи жаҳон» орқали намойиш этилишидан олдин унинг одоб-ахлоқ меъёрларимизга тўғри келиш-келмаслиги, ғоявий таъсири каби қирралари чуқурроқ таҳлил этилиши керак.

Иккинчидан, балоғатга етган ёхуд катта ёшдагилар учун мўлжалланган фильмлар болалар экран олдида ўтирадиган вақт (кеч, соат 22⁰⁰гача)га тўғри келмаслиги керак.

Қолаверса, ҳар бир ота-она фарзандининг қандай фильмларни томоша қилаётгани билан қизиқиб кўришса, фойдадан холи бўлмас эди.

Ситора ТОҶИДИНОВА,
Ўзбекистон Миллий
университети талабаси.

Бу — бир афсона. Аммо, ҳаёлот маҳсули бўлган ривоятларда ҳаётий ҳақиқатнинг мангу сарчашмалари ётиши ҳаммамизга аён албатта.

Мухтабар Каримова Тожикистонда туғилди. Тақдир, пешонасидаги битик уни мамлакатимизнинг Сурхондарё вилояти билан боғлаган экан, шу ерга келин бўлиб тушди. Не ажабки, унинг номаи аъмолида ҳам худди сардор қизи янглиғ оғу билан ришта боғлаш ёзиғи битилган экан. На чора, бунга ҳаёт дейдилар. Хуллас, у беш нафар фарзандининг кўрку камолини ўйлаб Сурхондарёнинг Деновида савдо ишлари билан шуғулланарди. Тирикчилик тошдан қийин, дейдилар. Эҳтимол, шу вазданми у Инобат исмли анчагина иқтисодий тўқсигина аёл билан топшади. Инобат кўп йиллардан буён гўёванд моддалар савдоси билан шуғулланар эди.

Ўша кун Инобат уникига бемаҳалда келди.

— Ҳа, дугонажон, қандай шамоллар учирди? — сўради Мухтабар меҳмонни қарши оларкан.

— Сенинг шамолнинг, — деди Инобат ҳам унга маъноли илжайиб. — Тагин бир иш чиқиб қолди, дугонажон.

— Қандай иш экан?

— Яқинда эринг билан Тошкентда яшайдиган қизингникига бормоқчи экансизлар, шундайми?!

— Ҳа, дадаси билан катта қизим Мухайёнинг уйига бормоқчимиз.

— Қандай иш билан?!

Мухтабарга каллаи саҳарлаб келиб олган дугонасининг сўроқлари бироз эриш туюлди. Кейин: «Ўзича сўраётгандир-да, қизикяётгандир», деб ўйлади.

— Боришимизга сабаб кич-

кина қизим Мафтунанинг маза-си йўқ, шуни даволатамоқчимиз, — деди секингина.

Инобат деворнинг ҳам кулоғи бор дегандай у ёқ, бу

эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб М.Каримова узаро келишувга асосан 2004 йилнинг 7 июнь кун эрталуб Тошкент шаҳри Мирзо Улуғ-

Хукм қилинди

ҚИНҒИР ИШНИНГ
ҚИЙИҒИ...

Юнон афсоналарининг бирида айтилишича, қабила сардорининг қизи Пенелопа ёвуз руҳлар макрига берилиб, ўз махбуби — куч-қудратда тенги йўқ пахлавон йигитга оғу ичиради. Натихада қабила ёвқур душман чангалида қирилиб битишига озгина қолганида Зевснинг саховатли марҳамати билан омон қолди. Сардор гарчи Пенелопа ўз пушти-камаридан бини бўлган бўлса-да, уни ўлимга ҳукм этади. Аламзада ҳалойик унинг манфур вужуди қовжираб кул бўлишини мароқланиб томоша қилади...

ёққа қараб олди-ю Мухтабарга юзданди:

— Агар истасанг иккаламиз бир иш қиламиз... Шу баҳонда ўзинг ҳам тўрт-беш тангали бўлиб қолсан...

Икки дугона ўртасида «битим имзоланди». Унга кўра Мухтабар Каримова пойтахтга келган куннинг эртасига Тошкент «Чилонзор» буюм бозорига бориши, у ерда Мухтабарни қизил рангдаги «Москвич» русумли енгил машинада кутиб турган номаяълум шахс унга қора рангли пакетда нарса бериб юбориши керак эди. Эҳтимол, газетхонлари «Хўш, у нима бўлиши мумкин?» деган савол қизиктираётган бўлиши ҳам, табиий. Кейинчалик ўтказилган суд-кимё экспертизасига кўра, бу қора пакетда, умумий оғирлиги 697,67 граммни ташкил этувчи 7 дона ўрамдаги героин гўёванд моддалари мавжуд

бек тумани Черданцева 1 мавзесигаги 6-уйда истикомат қилувчи катта қизи — Мухайё Каримованинг уйига келади ва белгиланган фурсатда бориб «мол»ни қабул қилиб олади. Энди унинг олдида галдаги иш бор эди. У ҳам бўлса «мол»ни Зангиота тумани, Эшонғузгар кўрғони, Ойбек кўчасида яшовчи Замира исмли аёлга олиб бориб топшириши керак эди.

Шу мақсадда М.Каримова 2004 йил 8 июнь кун М.Улуғбек тумани худудидидаги Черданцева даҳасининг «Рассомлар» бекати томон «Тико» русумли, давлат рақами 10 АК 981 бўлган, ҳайдовчи Абдужалил Мўминов бошқарувидаги енгил машинада героинни эгасига топшириш учун йўлга равона бўлади. Аммо, оғуфурӯш аёлнинг барча кирдикорлари Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходимларига

аён эди. Шу боис у кетаётган автомашина тўхтатилди. Холислар иштирокида тинтув ўтказилди. Юқорида баён этилганидек, кўрсатилган микдордаги гўёванд моддалар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Тез фурсатлар ичида олиб борилган тергов ишлари ўз самарасини берди. Суриштирув ва кузатишлар, аниқ ҳулосалар асосида М.Каримованинг айблари суд жараёнида ҳам ўз тасдиғини топди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди очик суд мажлисида, айбланувчи М.Каримова устидан қўзғатилган жиноий иш атрофлича кўриб чиқилди. Унга кўра, айбланувчининг 80 ёшли кекса онаси борлиги, 5 нафар фарзандлари мавжудлигини ҳисобга олиб М.Каримова Жиноят Кодексининг 25-273-моддаси 5-қисми билан айбдор деб топилди ва 8 йил озодликдан маҳрум этиладиган бўлди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Жаҳон адабиётининг атоқли номандаси Лев Толстой «Инсон бахтли бўлиши керак, агар у бахтли бўлмаса бунга ўзи айбдор», деган эди. Демакки, инсон хатолари, босган ноҳож кадамлари учун муқаррар равишда жавоб бериши керак. Зотан, аждодлар хатосини авлодлар ҳам такрорламаслиги зарур. Ана шу нуқтага назардан М.Каримованинг қилмишини оқлаб бўлармикан?! Албатта йўқ! Аёллик шаънига қора бўёқ чаплаган бу инсонга қандай баҳо бериш эса сизнинг ҳукминизга ҳавола.

Шоира СУЛАЙМОНОВА,
Жиноят ишлари
бўйича Тошкент шаҳар
суди судьяси.
Хидирали ПАНЖИЕВ,
журналист.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилими: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассас:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиғи

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет
усулда босилади.

5009 нуسخа босилди. Қўроғ бичим А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чикади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент
почтамини»га — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишнинг эҳтиёжи мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босмоқчиси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-108.

1 2 3 4 5